



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASINING QARORI

20 20 yil « 7 » сентябрь

№ 541

Toshkent sh.

Атроф мухитга таъсирни баҳолаш механизмини янада такомиллаштириш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2030 йилгача бўлган даврда Ўзбекистон Республикасининг Атроф мухитни муҳофаза қилиш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида” 2019 йил 30 октябрдаги ПФ–5863-сон Фармони ижросини таъминлаш, шунингдек, атроф мухитга таъсирни баҳолаш юзасидан давлат экологик экспертизасини ўтказиш, атроф мухитни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланишга доир муҳим қарорларни қабул қилишда шаффофликни таъминлаш учун жамоатчиликни кенг жалб қилиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-мухитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси (кейинги ўринларда – Давлат экология қўмитаси):

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили”да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида” 2020 йил 2 мартдаги ПФ-5953-сон Фармонига мувофиқ “рақамли иқтисодиёт”га ўтиш мақсадида давлат экологик экспертизасидан ўтказиш учун ҳар йили қоғоз шаклида тақдим этиладиган 30 мингга яқин ҳужжатларнинг электрон алмашинуви тизимини яратиш;

“Жамоатчилик назорати тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни талабларига мувофиқ мўлжалланаётган, режалаштирилаётган ёки амалда фаолият кўрсатаётган атроф мухитга таъсир кўрсатиши юқори ва ўртача даражада хавfli бўлган фаолият турларининг атроф мухитга ва аҳоли соғлиғига узлуксиз салбий таъсир кўрсатишини муҳокама қилиш учун жамоатчилик эшитувларини ўтказишни амалга жорий этиш тўғрисидаги таклифлари маъқуллансин.

2. Қуйидагилар:

атроф мухитга таъсир кўрсатишнинг юқори (кейинги ўринларда – I тоифага мансуб), ўртача (кейинги ўринларда – II тоифага мансуб) ва паст даражада хавfli (кейинги ўринларда – III тоифага мансуб), шунингдек, маҳаллий даражада таъсир кўрсатувчи (кейинги ўринларда – IV тоифага

мансуб) ва Давлат экологик экспертизасидан ўтказиладиган фаолият турларининг рўйхати 1-иловага мувофиқ;

атроф муҳитга таъсир кўрсатишнинг I, II, III ва IV тоифаларига мансуб фаолият турларини давлат экологик экспертизасидан ўтказишни ташкил қилиш, экспертизадан ўтказишга материалларни тайёрлаш ва тақдим этиш, экспертизани ўтказиш муддатлари, экспертиза иштирокчиларининг ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгилаш, шунингдек, экспертиза хулосаси мақоми ва экспертизани ўтказиш учун ҳақ тўлашни тартибга солувчи Давлат экологик экспертизаси тўғрисидаги низом 2-иловага мувофиқ;

атроф муҳитга таъсир кўрсатишнинг I ва II тоифаларига мансуб мўлжалланаётган, режалаштирилаётган ёки амалга оширилаётган фаолият турларининг атроф муҳитга салбий таъсирини аҳоли ва жамоатчилик орасида муҳокама қилиш учун жамоатчилик эшитувини ташкил этиш ва ўтказиш тартибини, шунингдек, жамоатчилик эшитуви иштирокчиларининг ҳуқуқий ҳолатини белгиловчи Атроф муҳитга таъсирни баҳолаш лойиҳаларини жамоатчилик эшитувларидан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низом 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Давлат экология кўмитаси давлат экологик экспертизаси соҳасидаги махсус ваколатли давлат органи этиб белгилансин ва унга давлат экологик экспертизасини ўтказишда қуйидаги функциялар юклансин:

давлат экологик экспертизасини ташкил этиш ва ўтказиш;

давлат ва жамоат экологик экспертизаси бўйича норматив-техник ва йўриқнома-услубий ҳужжатларни ишлаб чиқиш ҳамда тасдиқлаш;

давлат экологик экспертизасини ўтказиш учун эксперт ва мутахассисларни, шу жумладан, хорижий ва халқаро экспертларни жалб қилиш;

банк ва бошқа кредит ташкилотларига давлат экологик экспертизаси бўйича ижобий хулоса берилмаган объектларни молиялаштириш, уларга кредит ажратиш ва бошқа молиявий операцияларни тўхтатиш (тугатиш) ҳақида тақдимномалар юбориш;

давлат экологик экспертизаси бўйича хулосалар бажарилиши мониторингини олиб бориш ва назорат қилиш;

давлат экологик экспертизасини ўтказиш масалалари бўйича тажриба алмашишда бошқа мамлакатларнинг табиатни муҳофаза қилиш ташкилотлари ва халқаро ташкилотлар билан белгиланган тартибда ҳамкорлик қилиш;

атроф муҳитга таъсирни баҳолаш бўйича материаллар ва экологик нормативлар лойиҳаларини ишлаб чиқувчи ташкилотлар томонидан ишлаб чиқилган материаллар ва лойиҳалар сифатини баҳолаш ҳамда ишлаб чиқувчи ташкилотларнинг рейтингини шакллантириш.